Электр таъминотининг шартномасига
1 - илова

**Етказиб бериладиган энергия ҳажми**

1. Тариф гуруҳи ___I___
2. Фаолият тури ___хизмат кўрсатиш___
3. "Истеъмолчи" электр қурилмаларининг уланган қуввати: ________кВА (кВт)
4. Техник шарт бўйича рухсат берилган қувват ________ кВт
5. Электр таъминоти ишончлилиги бўйича тоифаси (лойиҳа бўйича) ________
6. Ҳисоб-китоб тури: ___бир ставкали___

тариф тури: табақалаштирилган, бир ставкали ёки аҳолига тенглаштирилган (кераклиси ёзилсин)

| | Энергия ҳажми минг. кВт.с | Шу жумладан, тариф гуруҳлари бўйича | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| **Йил, жами** | 900 | | | | |
| Январ | 300 | | | | |
| Феврал | 300 | | | | |
| Март | 300 | | | | |
| Апрел | | | | | |
| Май | | | | | |
| Июн | | | | | |
| Июл | | | | | |
| Август | | | | | |
| Сентябр | | | | | |
| Октябр | | | | | |
| Ноябр | | | | | |
| Декабр | | | | | |

Ташкилот кунига ишлайди ___8___ соат, ойига ___22___ кун

Умумий юкга нисбатдан сменалар бўйича юкланиш % I ______, II ______, III ______

**Истеъмолчи**

М.Ў. (Имзо, Ф.И.Ш., сана)

**Корхона**

М.Ў. (Имзо, Ф.И.Ш., сана)

заруриятини аниқлаш мақсадида (маҳсулот ишлаб чиқаришнинг, бажариладиган иш турларининг мўлжалланаётган прогноз ҳажмларидан ва электр энергияси сарфи меъёрларидан келиб чиқиб, уларни камайтириш ва электр энергиясини тежашни ҳисобга олган ҳолда) электр энергиясининг бир йил ва келгуси давр учун балансларини тузиш;

маҳсулот (ишлар) бирлигига электр энергияси сарфининг тасдиқланган меъёрларига риоя қилиш ва уларни камайтириш бўйича белгиланган тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш;

электр энергиясини тежаш бўйича (йиллик ва узоқ истиқбол учун) ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

4.3. Корхона қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Истеъмолчидан Шартномада белгиланган ўз мажбуриятларини кўрсатган даражасида бажаришини талаб этиш;

ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда Истеъмолчи томонидан етказилган амалдаги зарарни белгиланган тартибда қоплатиш;

авария режимида, Бюрони хабардор қилиб Истеъмолчини электр тармоғидан узиб қўйиш;

электр хужалиги объектларида авариявий холатларни олдини олиш ёки уларни бартараф этиш буйича кечиктириб булмайдиган чоралар куриш зарур булганда истеъмолчини огохлантирмай ва у билан келишмай унга энергия етказиб беришни чеклаш,

Бюронинг кўрсатмасига асосан, ҳамда ЭҲНАТга уланган ёки энергияга олдиндан ҳақ тўлаш қурилмасига эга ҳисобга олиш прибори бўлган истеъмолчини олдиндан тўланган ҳақ тугаганда электр тармоқларидан узиш.

Корхона қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Мазкур Шартномага асосан Истеъмолчини электр тармоқларидан узилгандан кейин юзага келган холат учун Корхона ва Бюро жавобгар бўлмайди.

4.4. Корхона қуйидагиларга мажбур:

Истеъмолчига энергияни электр тармоғи орқали электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик бўлиниш чегарасигача Шартномада кўрсатилган ҳажмда мунтазам етказиб бериш;

ускуналар, электр узатиш линияларини, ҳисобга олиш приборларидан фойдаланиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек, ўз электр хўжалиги объектларидаги носозликларни бартараф қилиш;

электр хўжалиги объектларини таъмирлаш билан боғлиқ электр таъминотидаги кутилаётган узилишлар тўғрисида уч кундан кечикмасдан огоҳлантириш;

Истеъмолчини электр энергиясини етказиб берилиши тўхтатилиши ва тўхтатилиш сабаблари тўғрисида хабардор қилиш;

киритилаётган чеклашлар тўғрисида, чеклашларни хажми ва вақти кўрсатилган холда олдиндан хабар бериш;

электр энергияси тўлиқ етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошқа бузилишлар тўғрисидаги Истеъмолчининг аризасини, ариза олинган кундан бошлаб 15 кундан кечиктирмай кўриб чиқиш, бартараф этиш ва батафсил жавоб юбориш;

Истеъмолчига ўрнатилган тартибда етказиб берилган энергия ҳисобини юритиш;

Истеъмолчининг белгиланган тартибда киритилган таклифларига мувофиқ, ўн кун муддатда электр энергиянинг ойлик шартномавий ҳажмига ўзгартиришлар киритиш, электр энергиянинг ойлик шартномавий микдорини кўпайтириш (камайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда – истеъмолчига бу ҳақда, рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда хабар қилиш;